

**«Наврӯз дәҳқон бозори» АЖ Кузатув Кенгашининг
мажлис баёни**

2024 йил 7 август

Тошкент ш.

Мажлисда катнашганлар:

Кузатув кенгаси:

К.Расулов -“Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори ўринбосари
Кенгаш аъзолари:

А.Раззаков – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директори

А.А.Акрамов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК етакчи мутахассиси

Т.Иброхимов – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиги

Т.Камолов – Акциядор

Мажлисда жами 5 кузатув кенгаси аъзолари (100%) қатнашмоқда, мажлис ўтказилиши ҳуқуқига эга.

Таклиф этилганлар:

О.Машарипов- Жамият директори

Х.Олимов - Жамият бош хисобчisi.

Д.Шоназаров- Жамият кимматли когозлар мутахассиси.

Мажлис кун тартиби:

1. «Наврӯз дәҳқон бозори» АЖ директорининг 2024 йил 2-чорак якуни бўйича «Бизнес режса» кўрсатгичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи
2. Жамиятнинг 2024 йил 2 чорак якуни юзасидан балансини тасдиқлаш

Мажлис кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича «Наврӯз дәҳқон бозори» АЖ директори О.Машариповнинг 2024 йил 2-чорак якуни бўйича «Бизнес режса» кўрсатгичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Йилнинг 2 чорагида жамият жами йигим режавси 220,9 млн сумга ошириб бажарилди, бунга, жой хакки йигими 66,9 мил сумга, жамиятда мавжуд бино ва иншоотларнинг ижара ҳаққи йигими режаси 76,7 млн сумга, инфра тузулма йигими 53,1 млн сумга ошириб бажарилгани асос булди.

Шунга карамай жамиятимиз Соф фойда режага нисбатан 11,6 млн сумга бажарилмай колди, бунга асосан Жамиятда мавжуд хожатхонани таъмирлаш давридаги тушимни камайгани сабаб булди.

Сизларни ишонтираманки жамиятимиз ходимлари билан биргалиқда барча имкониятларни ишга солиб йилнинг иккинчи ярмида олинган барча мажбуриятларни бажаришга харакат киласиз.

Курилаётган масала бўйича кенгаш аъзолари томонидан берилган саволларга жавоблар олингандан сунг, жамият томонидан режалар бажарилиши щарти билан ҳисобот қабул қилиниши ҳақидаги қарорга келинди.

Мажлис кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича жамият бош хисобчisi Х.Ж.Олимов сузга чикиб, жамиятнинг иккинча чорагида олинган даромадлар ва қилинган харажатлар ҳисобот бериб, 2024 йилнинг 2 чорак якуни бўйича тайёрланган баланси билан йигилганларни таништириди.

Жамият баланси бўйича берилган саволларга олинган жавоблардан сунг баланс тасдиқланди.

(Баланс нусхаси илова қилинади.)
Кун тартибидаги масалалар мухокама этилиб

Карор килинди

1. «Наврӯз дехқон бозори» АЖнинг 2024 йил 6 ойлик молиявий-хўжалик фаолияти якуплари бўйича жамият раҳбарининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва жамият ижроия органига қуидаги вазифалар бажарилишини таъминлаш топширилсин:
 - 1.1. Даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган тўловларнинг барчаси бўйича тўлиқ ундириш ишларни амалга ошириш;
 - 1.2. Жамият томонидан амалга ошириладиган сарф-харажатлар микдорини имкон даражасида камайтириш;
 - 1.3. Дебиторлик қарздорликни кескин камайтириш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш, амалга оширилган ишлар юзасидан бир ой муддатда жамият кузатув кенгашига ахборот киритиш;
 - 1.4. Бозор ҳудудида электр энергияси ишлатилиши бўйича ҳар бир объектлар кесимида таҳлил ўтказиш ва натижаси ҳақида кузатув кенгашига 1 ой муддатда ахборот киритиш;

Кенгаши:



К.Р. Расулов


Котиб:



Д.Шоназаров.

Мажлисда катнашган Кенгаш аъзолари:

А.Раззаков



Т.Камолов

А.А.Акрамов

Т.Иброҳимов

